өндирилетуғын өнимниң пайда болыўына, жас төлдиң өсиўине үлкен тәсир етеди. 1 кг сүттиң желинде пайда болыўы ушын желиннен 500 литрге шамалас қан айланысқа ийе болады. Бийениң 100 грамм сүтинде 2 гр белок, 0,3 гр минерал затлар болып, ол 50 калорияға ийе ямаса 209,34 Джоульға тең, яғный туўылған тайыншақ өз ана сүтин еме отырып 60 күннен кейин өзиниң салмағын еки есеге көбейте алады. Соның ушын да ҳайўанларды бир қыйлы азықландырыўға болмайды. Күнлик от-жем рационы маллардың аўҳалына, семизлигине ҳәм сүтине, физиологиялық жағдайларына қарап дүзиледи. Таярланған от-жемлер малларға жақсы сиңимли ҳәм жуғымлы болыўы керек [5].

Аўыл хожалық ҳайўанларының азықлары ири от-шөп азығы (от-шөп, сабан, қамыс), ширели азықларға (силос, тамыр түйнеклер, жемислер, палыз), көк шөп азығы (пақал, жапырақ, жоңышқа ҳәм т.б.), концентрат азықлар (дән, гүнжара) болып бөлинеди. Сүт, гөш, балық өндиретуғын кәрханалардың (санаатлардың) қалдықлары (көк сүт, гөш, сүйек уны, балық уны) ҳәм жәмийетлик аўқатланыў орынларынан шығатуғын аўқатлық затлар қалдықлары да мал азықларына киреди.

Бул мәселени шешиў ушын жуғымлы азықлық егинлерди егиў ҳәм оның зүрәәтин асырыў, қыс айлары ушын ширели азықлар таярлаў (силос, сенаж, азықлық ләблеби ҳәм т.б.). Бул азықларды күнделик рацион қурамында толық балансластырып бериў, ири от-шөп 40-45 %, концентрат азықлар 25-30 %, ширели азықлар 25-30 % нормасында бериўди шөлкемлестириў.

Азықларды бериўден алдын қайта ислеп бериў және де мақсетке муўапық болады. Зоотехникалық талапларға байланыслы ири от-шөплер аўыл-хожалық ҳайўанларының түрлерине байланыслы ҳәр қыйлы размерлерде белгили механизмлер жәрдеминде майдаланып бериледи. Ири от-шөпти 3-5 см узынлықта майдалап, оны ҳәр қыйлы механикалық, биологиялық ҳәм термик усылда қайта ислеп бериў от-шөплердиң жуғымлылығын асырады. Усындай жол менен азыққа болған талапты қанаатландырыў имканияты көбейеди. Қыс айлары ушын шарўашылық дийхан-фермер хожалықларында силос таярлап бериў, мәкке, айғабағар ҳәм жүўериден таярлаў, бул егинлерге бийдай, ямаса салы сабанларын қосыў арқалы силостың көлемин көбейтиў мүмкин.

Қарардың үшинши мәселеси аўыл хожалығының айырылмас бир тараўы болған шарўашылыққа ветеринария хызметин көрсетиў. Аўыл, район, республикада жақсы шөлкемлестирилген ветеринария хызметиниң жәрдеминде шарўашылықта ҳәм оның менен байланыслы болған өндиристи мақсетке муўапық дәрежеде раўажландырыўға болады.

Әдебиятлар

1. Носиров У.П. Қорамолчилик. -Т.: 2001.
2. Эрнет Л.К. Скотоводство. -М.: 1992.
3. Изимов Г.С. Практикум по скотоводству. 1988.
4. Туракулов З. Қорамолчилик. -Т.: 2005.
5. Абдурасулов А., Ибрагимов «Амалий машғулотлар». -Самара: 1996.

РЕЗЮМЕ

Мақолада республикамизда фермер ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда чорвачиликнинг ривожланиши, молларни парвариш қилиш ва озиқлантириш масалалари ёритилган. Бунинг учун хўжаликларда наслчилик ишларини олиб бориш ва мустаҳкам озуқа базасини яратиш кераклиги баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы развития отрасли животноводства и повышения качества продукции в фермерских и личных подсобных хозяйствах. В этих хозяйствах необходимо организовать содержание и кормление и одновременно заниматься племенным делом в скотоводстве.

SUMMARY

The article deals with the issues of the development of the branch stock-breeding and increasing the quality of product in the farming and personal subsidiary facilities. The author of the article points out the necessity of organizing the contents and feeding and dealing with the tribe’s work in cattle-breeding at the same time.

АТРОФ ТАБИИЙ МУҲИТНИ РАДИАЦИЯ ТАЪСИРИДАН ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

К.Р.Бабаназаров - *катта илмий ходим-изланувчи*

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: радиациявий хавфсизлик, экологик экспертиза, хавфли ишлаб чиқариш объектлари, экологик экспертиза мезонлари ва усуллари.

Ключевые слова: радиационная безопасность, экологическая экспертиза, объекты опасных производств, критерии и методы экологической экспертизы.

Key words: radiation safety, environmental assessment, objects of dangerous production, criteria and methods of environmental assessment.

Атроф табиий муҳитнинг радиациявий ифлосланиш суръати кучайиб бораётганлиги сабабли ушбу ифлосланишдан етказилаётган таъсирни баҳолашда экологик экспертизанинг ролини ошириш заруриятига ҳеч шубҳа бўлиши мумкин эмас. Чунки экологик экспертиза аҳоли ва атроф табиий муҳитни радиациянинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлашнинг самарали воситаларидан биридир.

Экологик экспертизани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 1-моддасига кўра, “Экологик экспертиза деганда, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини руёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш тушунилади”[1].

Экологик экспертиза режалаштирилаётган ҳар қандай хўжалик ва бошқа фаолиятнинг эҳтимол тутилган экологик хавфлилиги презумпцияси тамойилига асосланиши боис давлат экологик экспертизаси объектлари бўлмиш лойиҳалар, материаллар ва бошқа ҳужжатларда ерларни ва бошқа ресурсларни радиоактив чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш масалалари кўрилган бўлса, уларнинг ҳолатини ва уларни ҳимоя қилиш бўйича назарда тутилган тадбирлар самарадорлигини баҳолаш бундай экспертиза натижаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Юқорида тилга олинган қоидалар атроф табиий муҳитни, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Мисол тариқасида “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-ҳамда 16-моддаларига эътибор қаратсак. Ушбу қоидалар мазмунига кўра, ўсимликлардан олинадиган озиқ-овқат хом ашёсини етиштириш чоғида заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитларни қўлланишга улар токсикология-гигиена экспертизаси ўтказилганидан кейин йўл қўйилади. Одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган озиқ-овқат маҳсулоти тегишли давлат назорати органларининг қарорига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилиши керак [2].

Ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан боғлиқ равишда амалга ошириладиган хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятнинг барча босқичларида қабул қилинаётган қарорларни баҳолаш жараёнида хавфсизлик мезонларига, қоидаларига амал қилиш, экологик, радиациявий ва санитария нормаларини оғишмай бажариш, сўнгра хавфсизликни асослантирувчи материаллар ва ҳужжатларни мажбурий равишда давлат экспертизасидан ўтказиш ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларни барқарорлаштиришга ҳамда одамларнинг ионлаштирувчи нурланиш манбалари таъсиридан ҳавотирга тушишлари сабабларини бартараф этишга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги, “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунларида экологик экспертиза ўтказилиши шартлилиги назарда тутилган. Буларнинг барчаси экологик экспертиза институти, тиббий эпидемиологик экспертиза, саноат хавфсизлиги экспертизаси институтлари тушунчаларининг мазмун-моҳиятини очиб бериш заруратини келтириб чиқаради.

Шу боис қуйидаги тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш учун “экологик хавфсизлик”, “аҳолининг ра-

диациявий хавфсизлиги”, “тиббий эпидемиологик хавфсизлик”, “хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги” тушунчаларининг мазмунини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз лозим. Уларда экологик экспертизанинг тилга олинган турларининг ҳуқуқий табиати белгилаб берилган. Бу масалада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 29-июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2006 йил 25-августда маъқулланган “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги ва шу билан бирга, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунлар муҳим аҳамият касб этади. Масалан, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида хавфли ишлаб чиқариш объектлари санаб ўтилган бўлиб, унга кўра, хавфли ишлаб чиқариш объектлари жумласига:

1) портлаш-ёнғин хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган моддалар; тасдиқланган стандартларга мувофиқ тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра I, II ва III хавфлилик даражаларига (ўта хавфли, юқори даражада хавфли ва ўртача даражада хавфли) мансуб зарарли моддалар; муайян турдаги ташқи таъсир чоғида иссиқлик ажратган ва газлар ҳосил қилган ҳолда ўз-ўзидан жуда тез тарқаладиган кимёвий ўзгарувчан портловчи моддалар; инсон соғлиғи ва атроф-муҳит учун хавфли концентрацияли моддалар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган моддалар;

2) 0,07 мегапаскалдан ортиқ босим остида ёки ишлатиладиган суюқликнинг нормал атмосфера босимидаги қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратда ишлайдиган ускуналардан фойдаланиладиган объектлар;

3) кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш механизмлари, эскалаторлар, осма йўллар, фуникулёрлардан (тоғ темир йўлларидан) фойдаланиладиган объектлар;

4) қора ва рангли металлар эритмалари ҳамда ушбу эритмалар асосида қотишмалар олинадиган ашёлар;

5) кончилик ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва бойитиш ишлари, шунингдек, ер ости шароитида иш олиб бориладиган корхоналар ёки уларнинг цехлари, участкалари, майдончалари, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш объектлари киради.

Айнан ушбу объектлар турлари ва уларнинг ишлаб чиқарилишида тегишли хавфсизлик нормаларига риоя қилиниши ҳамда саноат хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилиши лозим. Яъни, хавфли ишлаб чиқариш объектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишни амалга ошириш учун лойиҳа ҳужжатлари саноат хавфсизлиги экспертизасининг ижобий хулосаси бўлиши зарур [3].

Хавфли ишлаб чиқариш объектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатиш жараёнида лойиҳа ҳужжатларидан четга чиқишларга йўл қўйилмайди. Хавфли ишлаб чиқариш объектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатишга доир лойиҳа ҳужжатларини ўзгартириш саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказилиши керак. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққан ташкилотлар хавфли ишлаб чиқариш объектини қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, консервациялаш ва тугатиш жараёнида белгиланган тартибда муаллифлик назоратини амалга оширади.

Хавфли ишлаб чиқариш объектини фойдаланишга қабул қилиб олиш белгиланган тартибда ўтказилади. Хавфли ишлаб чиқариш объектини фойдаланишга қабул қилиб олиш жараёнида хавфли ишлаб чиқариш объектининг лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, ташкилотнинг хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланишга ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектида авариянинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ва унинг оқибатларини тугатиш бўйича ҳаракатларга тайёрлиги текширилади (8-модда) [4].

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун эса, атроф табиий муҳит муҳофазаси бўйича фаолиятни умумий тарзда ҳуқуқий тартибга солишга ихтисослаштирилган. Мазкур Қонунда айтилишича, “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ифлосланишдан, бузилишдан, зарарланишдан, ориқлаб кетишдан, вайрон бўлишдан, йўқ бўлиб кетишдан, оқилона фойдаланмасликдан муҳофаза этилиши лозим” (2-модда).

Бундан ташқари, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 99-моддасида табиат объектларидан бири сифатида сувни чиқит ва чиқиндилар билан ифлослантиришдан муҳофаза қилиш лозимлиги хусусидаги қоида назарда тутилган бўлиб, унга кўра, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга қуйидагилар тақиқланади:

-ишлаб чиқариш чиқитлари, маиший ва бошқа хил чиқитлар ҳамда чиқиндиларни сув объектларига ташлаш;

-мойларнинг, ёғочларнинг, кимёвий ва нефть маҳсулотларининг ҳамда бошқа маҳсулотларнинг тўкилиб-сочилиши натижасида сувни булғатиш ва ифлослантириш;

-сув ҳавзаларининг юзи, сув ҳавзаларини қоплаб турган яхлар ва музликларнинг юзаси, саноат чиқитлари, маиший чиқинди ва бошқа ташландиқ чиқитлар, шунингдек, ер усти ва ер ости сувларининг сифатини ёмонлаштириб юборадиган нефть ва кимёвий маҳсулотлар билан булғатиш ва ифлослантириш;

-сувларни ўғитлар ва заҳарли химикатлар билан булғатиш [5].

Мазкур таъқиқлар нафақат сувни ифлослантиришнинг олдини олиш, балки, табиат бойлиги бўлган сувнинг радиоактив ифлосланишидан муҳофаза қилинишига ҳам ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилади.

Шундай экан, экологик хавфсизлик деганда, “табиий муҳит ва инсон ҳаётий муҳим манфаатларининг хўжалик ва бошқа турдаги фаолият натижасида етиши мумкин бўлган таъсирдан, табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятлар ҳамда уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолати” англашилади. Ушбу таърифда табиий характердаги ташқи объектлар ажратиб кўрсатилмоқда ҳамда аҳолининг хавфсиз ҳаётий фаолияти омили сифатида уларнинг тегишли сифатга эга бўлиши талаб этилмоқда.

Ушбу нуқтаи назардан хулоса тариқасида бевосита экологик экспертизанинг мавжуд амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган мезонларини ва уни ўтказиш усулларини айни бугунги кундаги соҳага энг сўнгги замонавий ахборот коммуникация технологияларини татбиқ қилиш зарурати туфайли янада такомиллаштириш ва мазкур ҳолатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши асосларини мавжуд соҳа қонун ҳужжатларида акс эттириш мақсадга мувофиқ саналади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000, 5-6-сон, 144-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997, 9-сон, 239-модда.
3. Нурматов М.М. Экологик экспертиза тўғрисидаги қонунни такомиллаштиришнинг айрим масалалари. / “Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2005. 173-178-б.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 39-сон, 386-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 5-сон, 221-модда.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида экологик экспертизанинг хусусиятлари ўрганилади. Мақола, шунингдек, радиациявий хавфсизликни таъминлаш бўйича экологик экспертизани ўтказиш тартиби ва усулларига бағишланган.

РЕЗЮМЕ

В статье изучаются особенности экологической экспертизы в сфере радиационной безопасности. В ней говорится о порядке проведения и методах экспертизы в сфере экологической экспертизы.

SUMMARY

In the article features of environmental assessment in the sphere of radiation safety are studied. The article is devoted to the order of carrying out and methods of assessment in the sphere of environmental assessment.